

## ИЖАРА ШАРТНОМАСИ № 1

« 05 » 01 2022 й.

Жиззах шаҳри

Бир томондан, “Жиззах китоб” МЧЖ номидан низом асосида иш юритувчи раиси А.Хидиров, кейинги ўринларда “Ижарага берувчи” деб аталади, иккинчи томондан Жиззах вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини ошириш ўқув курслари номидан низом асосида иш юритувчи директори в.б А.Султонов, кейинги ўринларда “Ижарага олувчи” деб аталади, ушбу шартномани қуйидагилар ҳақида тузишди.

### 1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ.

1.1. «Ижарага берувчи» ўзига тегишли булган Жиззах шаҳар, Қ Имомов кучаси, 3-уйда жойлашган “Жиззах китоб” МЧЖ биносидаги \_\_\_ та хонани, жами 55,18 кв.м майдонни «Ижарага олувчи»га фойдаланиши учун ажратиб беради.

### 2. ИЖАРА ҲАКИ ВА ТУЛОВ ТАРТИБИ.

2.1 «Ижарага олувчи» ижарага берилган умумий фойдаланиш майдони учун ККС сиз хар ойнинг 20-санасига 1300.000 (Бир миллион уч юз есим) сум ижара ҳақини 100% тулаб беришни кафолатлайди.

2.2 Ижара ҳақиға коммунал хизматлар, электр энергия, солиқ, билан боғлиқ харажатлар ва бошқа мажбурий туловлар киради.

2.3 Шартнома имзолангандан кейин ижарга олувчи ўз вақтида ижара ҳақини тўламаса хар бир кечиктирилган кун учун умумий сумманинг 0,4 % миқдорида жарима тўлайди.

### 3. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

#### 3.1 «Ижарага берувчи» нинг мажбуриятлари.

3.1.1. «Ижарага берувчи» ижарага берилган хоналарни электр энергияси билан таъминлаб бериш мажбуриятини олади.

3.1.2. «Ижарага берувчи» шартнома тузилиб, имзолангандан сўнг «Ижарага олувчига» ижарага бериладиган хоналарини ажратиб беради.

3.1.3 “Ижарага берувчи” “Ижарага олувчига” ўзининг биноси ҳовлисида фойдаланишга рухсат беради.

#### 3.2 «Ижарага олувчи» нинг мажбуриятлари.

3.2.1 «Ижарага олувчи» хонани 2022 йил 5.07.2022 дан 2022 йил 31 декбргача ижарага олади.

3.2.2 «Ижарага олувчи» ижарага олинган хоналардан барча коидаларга риоя қилган ҳолда фойдаланади.

### 4. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.

4.1 Шартнома мажбуриятлари қайси томондан бузилса амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

4.2 Томонлар ижара шартномасини муддатидан олдин бекор қилмоқчи бўлса, бу ҳақда иккинчи томонни бир ой олдин ёзма равишда хабардор қилади.